



КОММУНАЛ СОҲАДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ҲАҚИДА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев коммунал хизматларни яхшилаш ва аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳисоботи билан танишди.

Юртимизда 39 минг 700 тага яқин кўп қаватли уйлар бор. Уларда яшовчи аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида бошқарув-сервис компаниялари ташкил этилмоқда. Жорий йил бошида бундай ташкилотлар 324 та бўлган бўлса, бугунги кунга келиб 766 тага етган. Шу тариқа, 36 мингдан зиёд ёки 92 фоиз кўп қаватли уйлар бошқарув-сервис компаниялари билан қамраб олинган.

Бу йилнинг ўзида улар томонидан қурилиш, таъмирлаш, техника ва ускуналар харид қилишга 262 миллиард сўм инвестиция киритилган. Янги ташкил этилган компанияларда 14 мингга яқин иш ўрни яратилган.

Хонадонлар ҳақидаги маълумотлар ва ҳисоб-китоблар “Менинг уйим” биллинг тизимида мужассам бўлмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида бу тизим орқали 206 миллиард сўм тўланган.

Соҳадаги муҳим вазифалардан бири — уйларни иссиқлик билан барқарор таъминлаш. Бу борада ҳудудларда манзилли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Кўп қаватли уйларнинг ярмидан кўпи марказлашган ва индивидуал иссиқлик таъминоти тизимига эга. Қолганлари мўқобил печлар, электр иситкичлар ёки бошқа ускуналар ёрдамида иситилади.

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тасарруфида 495 та қозонхона фаолият юритмоқда. 2018–2021 йилларда уларнинг 47 таси ва 78 километр иссиқлик тармоғи реконструкция қилинди. Бу йил Бухоро, Самарқанд, Қарши, Жиззах, Наманган, Асака каби шаҳарлардаги яна 24 та қозонхона ва 182 километр тармоқ янгиланди. Натижада 70 минг хонадон ва 113 та ижтимоий объект узлуксиз иссиқлик энергияси билан таъминланди.

Умуман айтганда, бу лойиҳалар самарасида кўп қаватли уйларнинг иссиқлик энергияси билан таъминланганлик даражаси янада ортди. Йилга 130 миллион куб метр табиий газ, 1 миллион 200 минг киловатт-соат электр энергияси тежалаган бўлди.

Бундай ишларни изчил давом эттириб, 2023 йилги инвестиция дастури доирасида 3 та янги қозонхона қуриш, 10 тасини таъмирлаш ва иссиқлик тармоқлари тортиш режалаштирилган.

Аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Жорий йилда 527 та иншоот ҳамда қарийб 7 минг километр тармоқ барпо этилди. Йил бошида аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси

70 фоиз бўлган бўлса, йил якунида бу кўрсаткични 74 фоизга етказиш режалаштирилган.

Маҳаллалар кесимида айтганда, 9 минг 309 та маҳалладан 3 минг 800 таси тўлиқ, қарийб 4 мингтаси қисман марказлашган ичимлик суви билан таъминланган. Қолган қишлоқларга сувни транспортда етказиш, шу билан бирга, имкони бор жойларга тармоқ тортиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, 2023 йилда Инвестиция дастурига асосан 62 та, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 373 та объект фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Бу ишлар натижасида 403 та маҳалладаги 3 миллиондан зиёд аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланади, 181 та маҳалла илк бор бу тармоққа уланади.

Шунингдек, давлатнинг ижтимоий буюртмаси орқали туман марказидан олинса жойлашган маҳаллаларни ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳалари амалга оширилмоқда. Келгуси йилда 17 та шундай қишлоққа 251 километр қувур тортилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу ишларнинг ҳаёт сифати ва аҳоли саломатлигидаги аҳамиятини таъкидлаб, қўшимча кўрсатмалар берди.

ЎЗА

XXI аср бошларига келиб, жаҳон иқтисодиётида инсоният тараққиётининг аввалги даврларига хос бўлмаган янги тенденциялар вужудга келди. Иқтисодиётнинг маъно-мазмунини ва характери ўзгарди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

МУЛК ҲУҚУҚИ КАФОЛАТИ

янги иқтисодий дунёқараш пайдо бўлишига,
янги иқтисодий муносабатлар шаклланишига хизмат қилади

Президентимиз иқтисодий сиёсатимизнинг асосий тамойилларидан бири — “Ҳар бир фуқаро бой бўлса — давлат бой бўлади, ҳар бир оила фаровон бўлса — мамлакат фаровон бўлади”, деган эзгу мақсадни белгилаб берди. Бунда асосий эътибор мамлакатда тadbиркорлик муҳитини яратишга қаратилди.

▶ Давоми 3-бетда



ДЕКАБРЬ ОЙИНИНГ ИККИНЧИ ЯКШАНБАСИ — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ МЕҲНАТ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари
бугун ҳар қачонгидан юқори марраларни кўзламоқда

Ҳозир қиш бўлса-да, бозорларимиз, савдо дўконларимизда олма, узум, анор, нок, хурмо, қовун, тарвуз сингари ўзимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўп. Худди пишиқчилик пайтидагидай. Бу эътиборга молик жиҳат. Чунки, аввало, маҳсулот қишгача етиб келиши учун у кўп бўлиши, иккинчидан, соҳага илм татбиқ этилиши, қолаверса, бу ишдан етиштирувчи мамлакат кўриши керак.



Юртимиз қишлоқ хўжалигида айна шу жиҳатларга жиддий эътибор қаратилётгани боис, деҳқону фермерларимиз меҳнати қадр топапти. Соҳа вакиллари эркин ва самарали фаолият юртиши учун ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

2017 йилдан буён декабрь ойининг иккинчи яшанбаси Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунини сифатида кенг нишонланиб келинмоқда. Сана муносабати билан улар меҳнати яна бир бор эътироф қилиниб, муносиб рағбатлантирилмоқда.

“Дунёдаги энг қадимий ва олижаноб касб эгалари ҳисобланган, эл-юрт дастурхонини тўкин ва фаровон этадиган ғоят муҳим соҳанинг залворли юкини ўз елкасида кўтариб келаётган сизлар каби минглаб юртдошларимизнинг фидойи меҳнати ва жасорати ҳар қандай юксак эътирофга муносибдир”, деган эди давлатимиз раҳбари ўтган йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригида.

Чиндан ҳам, элу юртга наф келтириш, турмушимиз фаровон, дастурхонимиз файзли бўлишида соҳа вакиллари ҳиссаси катта.

▶ Давоми 4-бетда

10 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ҚУЁШНИ УЙҒОТГУВЧИ МУАЗЗАМ САДО

Бу юртни ҳар тонг манглайдан Қуёш ўпиб уйғотади. Бу юртнинг тоғлари виқорли, боғларида хуррият шамоли эсади. Бу юртнинг тупроғи зар — қадалган ҳар уруғ кўкка бўй чўзади, экилган ҳар ниҳол дарахтга айланади. Бу юрт бежиз жаннатмонанд, дейилмаган. Ҳа, Ўзбекистон мадҳияси янграган ҳар гўшада борлиқ яшаради, уни тинглаган ҳар вужуднинг қалбида меҳр-муҳаббат, садоқат акс этади, шурида маърифат жўш уради.

Серқуёш, хур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай тоабод илму фан, ижод,
Шухратинг порласин, токи бор жаҳон...

▶ Давоми 2-бетда

ЭҲТИРОМ

Олимлик қисмати

ёхуд академик Наим Каримовнинг адабий ҳақиқатлари

Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат”идаги “Азал олимларнинг ёстигин тошдин яратти”, деган сўзларни ким қандай талкин қилишини билмайман-у, уни илк бор ўқиганда кўз олдимга Наим Каримов, унинг илмий диапазони, тинимсиз меҳнати ва юксак инсонийлиги келган. Ҳозирга қадар ҳам олим заҳмати хусусида сўз кетганда академик ижодкорнинг адабиётимиз, маданиятимиз, борингки, миллат ва мамлакатимиз олдида қилган улугвор меҳнатлари кўз олдимга келади.

▶ Давоми 6-бетда

10 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КҮН

ҚУЁШНИ УЙҒОТТУВЧИ
МУАЗЗАМ САДО

**Бўри ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази ҳузуридаги
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар
институтини бўлим бошлиғи**

Бошланиши 1-бетда

Залварли, аммо дилга ёқувчи мусиқа садолари остида ушбу сатрлар янграб, байроғимиз бошимиз узра хилпирлаганда, озод Ватанимизга нисбатан қалбимизнинг туб-тубидаги гурур янада юксалади. Бу муаззам садо руҳимизга руҳ, кучимизга куч бағишлаб, бизни янгидан-янги бунёдкорлик ишларига ундайди.

Давлат мадҳиясининг шеърий матни ва мусиқа-сини тайёрлаш учун Олий Кенгаш депутатлари ижодкор зиёлилар билан ҳамкорликда икки ярим йил давомида иш олиб борди. Ушбу давр ичида давлат мадҳияси шеърий матнининг танловида 60 дан ортиқ шоир, мусиқа танловида 30 га яқин композитор иштирок этди.

Ун иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8-10 декабрь кунлари бўлиб ўтган ўн биринчи сессиясида мустақил давлат-

нинг Асосий қонуни бўлмиш Конституция лойиҳаси моддама-модда муҳокама этилди ва қабул қилинди. Конституциямизнинг 5-моддасида: “Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган давлат рамзлари — байроғи, герби ва мадҳиясига эга”, деган конституциявий қоида муҳрлаб қўйилди.

Ун иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XI сессиясига давлат мадҳияси учун дастлаб уч хил матн ва мусиқа ҳавола этилган. Улардан бири шоир Абдулла Орипов шеърига Мутал Бурҳонов куй басталаган мадҳия бўлса, қолган икки мадҳиянинг бири Бахтиёр Алиев мусиқаси, Абдулла Орипов қаламига мансуб, иккинчиси шоир Мирпўлат Мирзо шеърига бастакор Рустам Абдуллаев куй басталанган намуналар эди. Мазкур сессияда учала матн мусиқалари билан янгради. Узоқ муҳокама-лардан сўнг депутатлар бир тўхтама келишди — шоир Абдулла Орипов ва бастакор Мутал Бурҳонов ижоди-га мансуб мадҳия давлат мадҳияси сифатида эълон қилинди ва сессия сўнггида илк бор Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янгради.

Мадҳиямиз юртимиз давлат суверенитетининг рам-зи бўлиб, унга зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси хар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчи экани қонун билан белгилаб қўйилган.

Давлат мадҳияси мустақилликка эътиқодни тарғиб қилади. Унинг матни фуқароларимизни мустақил дав-лат қуриш йўлида матонат ва жасоратга, сабр-тоқат ва фидокорликка, ташаббускорлик ва курашга қақ-ради, миллий гурур уйғотади.

Юртимиз вакиллари иштирок этадиган халқроқ миқёсдаги сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақаларида мазкур шуқуҳли тарона жаранглаганда она Ватанимиз биз билан ҳам-миша бирга эканига амин бўламиз, юзлаб, минглаб километр масофа бир лаҳза ортда қолиб, қўз ўнг-мизда заррин нурга чўмилган жаннатмонанд замин гавдаланади.

Мадҳиямизда Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамия-тида тобора юксалиб бораётган обрў-эътибори, ҳеч кимдан кам бўлмай, келажакка қатъий ишонч билан интилаётган ёшларимизнинг азму шиқоати акс этган. Ёшлар онгда бой тарихимизга, миллий ўзгиллигига чўқур ҳурматни шакллантиришда, фарзандларимиз-нинг ҳар томонлама баркамол ва етук инсонлар бўлиб вояга етишида мадҳиямиз муҳим тарбиявий воситадир. Уни қуйлашни бошлаган мурғак қалбда ўз ватанининг тимсоли, унга нисбатан фахр ва муҳаббат ниш уради. Болажонларнинг порлаётган нигоҳларидаги ҳаяжонни кўриб, халқ ва Ватан улуғланган қўшиқ инсонлар қалби-га юксак ва бегубор тўйгуларни жо этишига, бу эса ёрғу оламини янада мунаввар кўрсатадиган ажиб мўъжиза эканига яна бир бор амин бўламиз.

... Ҳар тонгни мадҳиями садолари билан қарши оламиз.

*Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламини маҳлиё айлаган диёр!*

Нобель мукофоти соҳиби Азиз Санжар:

“ЎЗБЕКИСТОН МЕНИНГ ҲАМ ВАТАНИМ”

**Мамлакатимизнинг Туркиядаги элчихонаси ташаббуси билан
туркий дунёнинг машҳур олими, Нобель мукофоти соҳиби Азиз
Санжарнинг ўзбек ёшлари билан онлайн мулоқоти ташкил этилди.**

Тадбирда Президент таълим муас-сасалари агентлиги тизимидаги мак-таблар, хусусан, Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари, Туркияда таълим олаётган ёшларимиз қатнашди.

Азиз Санжар ёшларимизга ўзининг илмий фаолияти ҳақида сўзлаб берди, йигит-қизларни илм-фан ва ижод билан чўқур шуғулланишга даъват этди.

“Тараққиёт учун илм зарур. Бинобарин, сиз матонат билан билим

олишингиз даркор. Ёшларимиз илм-фани халқроқ даражада яхши эгалламоғи лозим. Катта мақсадга эришиш учун кичик муваффақият-лар қозониш, илм пиллапоясидан босқичма-босқич юқорилаш мақсадга мувофиқ”, деди Азиз Санжар.

Туркий дунёда мамлакатимиз тутган алоҳида ўринга ишора қилган таниқли олим “Бутун туркий дунёни алоҳида ардоқлайман. Унинг ичида, айниқса, Ўзбекистонга меҳрим бўлакча.

Сабаби, тарихда олиму уламо-лар юрти айнан Ўзбекистон бўлган. IX-XII асрларда бу заминда илм-фан гуллаб-яшнаган, кўплаб алломалар етишиб чиққан. Ибн Сино, Беруний, Хоразмий каби даҳолар барчамизнинг ифтихоримиз. Инчунин, Ўзбекистон менинг ҳам Ватаним, ота юртимдир”, дея таъкидлади у.

Азиз Санжар ихтисослиги бўйича биокимёгар бўлиб, ҳозирча туркий давлатлар вакиллари орасида Нобель мукофотини кўлга киритган ягона олимдир.

“Дунё” АА
Анкара

ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ

АҲОЛИНИНГ ҲАҚИҚИЙ КЎМАКЧИСИ

Тўртқўл туманидаги Марказобод маҳалласида яшовчи Темур Рўзметов Россиядан қайтгач ишсиз эди. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси унга кичик юк ташиш транспорти олиши учун 33 миллион сўм кредит ажратилишига амалий кўмак берди. Темур ушбу транспортда аҳолига хизмат кўрсатишни бошлади.

— Икки фарзандим бор. Турмуш ўртоғим ҳам вақтинча ишсиз, — дейди Т.Рўзметов. — Олдин Россияга бориб ишлаб келардим. Ойланган узокда, ўзга элларда сарсон-саргон юриш қанчалик азоб эканини боши-дан ўтказган билди. Ҳозир даромадим ёмон эмас. Ойига 4,5-5 миллион сўм топялман. Ҳам кредит тўлашга, ҳам оилам харажатларига етиб турибди. Энди чет давлатларга ишлага-ни кетмайман.

Элмира Ражапова ҳам шу маҳаллада яшайди. Икки ёшга тўлмаган ўғли бор. Ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан унга қандолат маҳ-сулотлари тайёрлашда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар олиб берилди.

— Олдин турли пишириқ пишириб, даро-мад топанман. Келин бўлиб келган уйимда бекор ўтиришни хоҳламадим. Менга қандо-латчиликни йўлга қўйиш учун 33 миллион сўм банк кредити беришди, — дейди Элмира Ражапова. — Мижозларим уйга келиб буюрт-ма бериб кетади. Қўшни маҳаллалардан ҳам буюртмалар тушмоқда. Даромадимиз ҳам яхши.

Ҳақиқатан ҳам, камбағалликни қисқарти-риш, эҳтиёжманд оилаларнинг ўзини тиклаб олишига ҳоким ёрдамчилари қўл-қанот бўл-моқда. Мамлакатимиздаги ислохотларнинг бош мақсади ҳам инсон мафратларини ҳимоя қилиш, унинг қадри ва қаддини кўтаришдир.



Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

АФВ ЭТИЛГАНЛАР ЎЗИГА
БИЛДИРИЛГАН ИШОНЧНИ ОҚЛАЙДИ

Президентимиз Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллиги муносабати билан “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Конституциямизнинг 93-моддаси 23-бандига асосан, содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 402 шахс афв этилди.

Ҳужжатда озодликка чиққан шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижти-моий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун кў-мак бериш бўйича вазифалар ҳам белгиланган. — Президентимизнинг бу фармони катта сиёсий-ҳуқуқий аҳамиятга эга, — дейди Консти-туциявий суд судьяси Акмал Раҳмонов. — Бу, аввало, инсонга эътибордир. Бунинг тағ зами-рида инсонпарварлик ғояси ётибди. Белгилан-ганидек, афв этилган шахсларнинг 128 нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди. 201 нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шарт-ли озод қилинди, 15 нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан ал-маштирилди. Шунингдек, 58 шахсга тайинлан-ган озодликдан маҳрум этиш жазоси муддатла-ри қисқартирилди.

Бу, шубҳасиз, адашган, лекин адашганини англаб этган кишиларга яна бир имкон бериш, уларнинг жамиятдаги мавқеи, оиладаги ўрнини қайта тиклаб олиши учун шaroит яратиш, мам-лакатимизда илгари сурилаётган “Инсон қадри учун” ғоясининг амалда ўз ифодасини топаёт-гани далилидир.

— Афв этилган шахсларнинг 63 нафари хо-тин-қиз, — дейди Ойла ва хотин-қизлар дав-лат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Озода Парлибоева. — Бу аёлларнинг ҳар бири жамиятга мослашиши учун маҳаллада масъул ташкилотлар билан амалий ёрдам кўрсатила-ди. Бандлигини таъминлаш, зарур ҳолларда моддий ёрдам кўрсатиш борасида алоҳида иш олиб борилади. Жамиятда ўз ўрнини топиши, фарзандларини муносиб тарбиялаши учун бар-ча шарт-шaroитлар яратилади.

Озодлик инсонга берилган энг буюк неъ-матлардан бири. Билиб-билмай жиноят содир этган ва бугун қилмиши сабаб панжара ортида турганлар унинг қадрини жуда яхши англайди. Бир лаҳза бўлса-да, ўз уйида, ота-онаси ва фарзандлари бағрида бўлиш улар учун энг кат-та орзу.

Президент фармони ўз хатосини англаб ет-ган ана шундай маҳкумларга имконият яратди.

Халқимизга хос меҳр-шавкат, инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримли бўлиш, олижаноблик каби эзгу фазилатларнинг амалдаги ифодаси бўлди.

— Озод бўлишимни эшитиб қанчалик қу-вонганимни сўз билан ифодалаб бера олмайм-ман, — дейди Д.Қаюмова. — Президентимиз фармони билан озодликка чиқиб кетяпмиз. Бизга яна бир имкон, ишонч билдирилди. Озодликнинг қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмас экан. Тўрт фарзандим бор. Бола-ларим парвариши билан фақат ўзим шуғулланар эдим. Шу пайтгача қанчадан-қанча ютуқларга эришган бўлардим. Афсус. Энди фарзандла-римни эл-юртга фойдаси тегадиган муносиб ўғил-қизлар этиб, тўғри тарбия қиламан.

Ҳеч ким яқинларини ўзидан йироқда, тутқунликда кўришни истамайди. Ойла, қадрдонлар даврасида ўтган ҳар бир кун, ҳар лаҳза байрам. Шу боис, ота-онаси ва фарзандлари бағрига қайтаётган бу инсон-ларнинг ҳаяжонини тушуниш мумкин. Улар бу ердан озодлик, эркинликнинг қадрини юз қарра англаб чиқяпти.

Афв этилганлар бундан кейин нафақат оила аъзолари, балки маҳалладошлари, уму-ман, кенг жамоатчилик эътиборида бўлади. Фармонда афв этилган шахслар ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топиши учун уларга кўмак бериш мақсадида масъул ва-зирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

— Қилган ишим шайнига доғ туширди, — дейди У.Ҳокимйезев. — Ёшим бир жойга бор-ганда, қариндошларим, фарзандларимнинг озини ерга қаратдим. Қилмишимдан минг бор пушаймонман. Бу ерда касб-хунар ўргандим. Энди шу касб билан оиламни тебратаман. Сўз бераман, энди фақат яхши кунлар бўлади.

Ўйлаймики, кеңирилган ҳар бир шахс ўзига билдирилган ишончни оқлаб, юртимиздаги кенг қўламли ислохотларга муносиб ҳисса қўшади. Жамиятда ўз ўрнини топади. Бир сўз билан айтганда, Президентимиз фармони билан афв этилган юрtdошларимиз-га яна бир имкон, ишонч берилди. Олдинда эса ана шу ишонччи оқлаш, юртга муносиб фарзанд бўлиш вазифаси турибди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулла СУВОНОВ тайёрлади.

АКАДЕМИК АБДУЛЛАЕВ
АБДУМАВЛОН АБДУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон илм-фани оғир жудопик-ка учради.

Ўзбекистонда генетика соҳаси-нинг етакчи намояндаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Абдуллаев Абдумавлон Абдуллаевич 2022 йилнинг 8 декабрь куни 92 ёшида вафот этди.

А.Абдуллаев 1930 йилнинг 13 ию-лида Наманган вилоятида туғилди. 1952 йили Ўрта Осиё давлат универ-ситетини тугатиб, меҳнат фаолиятини Ўсимликшунослик илмий текшириш институти Ўрта Осиё тажриба станция-си кичик илмий ходими лавозимида бошлади. 1961 йилда номзодлик, 1973 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

Истеъдодли олим ўзининг қарийб 70 йиллик илмий фаолияти давоми-да Фанлар академиясида фидойи-лик билан меҳнат қилди. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биоло-гияси институти кичик, катта илмий

ходими, лаборатория мудир, дирек-тори, ЎзРФА Президиумининг қишлоқ хўжалиги фанлари бўлими раиси ҳамда умрининг сўнгги кунларигача институт бош илмий ходими лавози-мида самарали фаолият кўрсатиб, илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшди.

А.Абдуллаев илмий фаолияти да-вомида ғўза генетикасининг фунда-ментал асосларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. У яратган илмий мактаб асосида ғўзанинг бир қатор янги навлари кашф этилди ҳамда ге-нетика селекциясида ғўзанинг ёввойи турларидан фойдали донорлар сифа-тида фойдаланиш имконияти яратил-ди. Олим мамлакатимиз пахтачилик илм-фани ривожининг фундаментал асоси ва миллий бойлиги булган ғўза генлари коллекциясининг асосчилари-дан биридир.

У 600 дан ортиқ илмий ишлар, жум-ладан, 10 дан ортиқ монография муал-лифи. Илмий мақолаларининг 300 дан ортиғи халқроқ нуфузли журналларда чоп этилган.

Жонкуяр устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган захматқаш олимнинг бевосита раҳбарлигида 20 дан ортиқ фан док-тори ва 40 га яқин фан номзоди тай-ёрланган.

Академик А.Абдуллаевнинг мамла-катимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони (1980), “Меҳнат шўхрати” ордени (2003), Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти (2011) билан мукофотланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камта-рин инсон Абдумавлон Абдуллаевнинг хотираси қалбларимизда ҳаммиша сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОВЕВА, Н. ИСМОИЛОВ,
А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

МУЛК ҲУҚУҚИ КАФОЛАТИ



Шухрат ПОЛВОНОВ,
Олий суд раиси ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Гап шу ҳақда борар экан, Янги Ўзбекистон тараққиёти, халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлаш йўлидаги катта ислохотлар самарадорлиги модернизациялашган иқтисодиёт асосига таянилиб қўрилаётганини таъкидлаш ўринли бўлади. Бу жараёнда иқтисодиёт тармоқларида давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, инвесторлар учун қўлай ишбилармонлик муҳити ва ишончли ҳуқуқий асослар яратиш, кичик бизнесни ривожлантириш муҳим омиллардан саналади.

Ҳар бир мамлакатда ишбилармонлик муҳити ва инвестиция жозибадорлиги, аввало, ҳуқуқий асослар билан таъминланади. Бу ерда ҳуқуқий асослар деганда, тадбиркорликка доир конституциявий нормалар, қонунчилик билан ҳуқуқий мулк дахлсизлиги ишончли таъминлангани, фойданинг кафолатланганлик даражаси тушунилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг шу йил 16 ноябрь кўни бўлиб ўтган биринчи ялпи мажлисида инвесторларнинг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида гапирар экан, жумладан, “Бундан бўён фуқаро ва тадбиркорларга мулк ҳуқуқини сўзсиз таъминлаш ва ҳимоя қилиш шаффоф ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими томонидан кафолатланади. Биз кўни кеча суд соҳасига бағишланган мажлисда бу борада ислохотларнинг навбатдаги босқичидаги устувор йўналишларни белгилаб олдик”, деди. Бу механизм инвесторлар учун ниҳоятда муҳим ва долзарб бўлиб, уларнинг кейинги фаолияти ҳамда миллий иқтисодиётимиз ривожига учун хизмат қилади.

“ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗДА ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ, УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШ, ҚўЛАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК ВА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ҲАР ҚАНДАЙ ХУСУСИЙ МУЛҚДОРНИНГ ҚОНУНИЙ ЙўЛ БИЛАН ҚўЛГА КИРИТГАН МУЛКИ ДАХЛСИЗЛИГИГА АСЛО ШУБҲА ҚИЛИНМАСЛИгини ТАЪМИНЛАЙДИГАН ИШОНЧЛИ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАР ТИЗИМИ ЯРАТИЛДИ.

Бугун Президентимизнинг шу гапидан келиб чиқиб, мулк ҳуқуқини сўзсиз таъминлашни мақсад қилган суд-ҳуқуқ тизими ҳақида гапиришни жоиз билдик. Аввало, Конституцияда хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани белгиланган. Мулк ҳуқуқи — шахснинг ўзига қарашли мол-мулкни қўлай ва келажаги унда хуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат.

Хусусий мулкнинг давлат томонидан қонунлар билан кафолатланган ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашдан кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни либераллаштириш қийин кечилиш жаҳон амалиётидан яхши маълум. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг бугуни ва келажаги унда хусусий мулкка бўлган муносабат билан чамбарчас боғлиқ. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий юксалиш даражасига, аввало, хусусий мулк дахлсизлиги ва мулкдорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоясини таъминлаш орқали эришган.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ — МУҲИМ ТАМОЙИЛ

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда хусусий мулк ҳуқуқини дахлсизлигини таъминлаш, унинг

ҳуқуқий асосларини яратиш, қўлай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни шакллантириш, ҳар қандай хусусий мулкдорнинг қонуний йўл билан қўлга киритган мулкни дахлсизлигига асло шубҳа қилинмаслигини таъминлайдиган ишончли ҳуқуқий кафолатлар тизими яратилди.

Энг муҳими, “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан, ишлаб чиқилган ҳамда Ҳаракатлар стратегиясининг маънавий давоми сифатида қабул қилинган **2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида** мулкнинг ҳуқуқлар дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкнинг муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш мақсади белгиланган. Хусусан, Тараққиёт стратегиясида **мулкнинг ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкнинг муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш кўзда тутилган.**

Бу бежиз эмас. Боиси, ҳозирги кунда хусусий мулкни ҳимоя қилиш соҳасидаги ислохотлар ва қўрилаётган чораларга қарамай, хусусий мулк ҳуқуқини ўзбошимчилик билан поймол қилиш, айрим мансабдор шахсларнинг адолатсиз ва асоссиз вазият билан қўчмас мол-мулкни бузиш ҳолатлари, афсуски, учраб турибди. Албатта, бунинг учун қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги хусусий мулкни ҳимоя

бўлган хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича инқилобий қарорлар қабул қилинди. Бу соҳада 200 дан ортиқ лицензия ва рухсатнома бериш бекор қилинди. Инвесторлар манфаатлари алоҳида қонун билан таъминланмоқда.

Фуқаро ва тадбиркорларга мулк ҳуқуқини сўзсиз таъминлаш ва ҳимоя қилиш шаффоф ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими томонидан кафолатланади. Суд соҳасига бағишланган мажлисда бу борада ислохотларнинг навбатдаги босқичидаги устувор йўналишлар белгилаб олинган эди. Шу муносабат билан Президентимиз Ўзбекистонда илғор хорижий амалиёт ва тажрибани жорий этиш мақсадида Хорижий инвесторлар кенгаши ҳузурида доимий фаолият юритадиган **Инвесторларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш кўмитасини** ташкил қилишни таклиф этди.

Мамлакатимиздаги бугунги ислохотларнинг асл моҳияти инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодиётни ривожлантириш орқали халқ фаровонлигига эришишдан иборат. Чет элдан инвесторни жалб этиш учун унга, биринчи навбатда, қўлай ишбилармонлик муҳити, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонуний кафолатлар яратиб бериш лозим. Зеро, иқтисодиёт ривожига инвестициянинг ўрни муҳим аҳамиятга эга экани боис, **инвесторлар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратиши** тақозо этилмоқда.



Айни жиҳат ҳисобга олиниб, инвесторлар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низолар ва рақобатга оид ишларнинг судловга тааллуқлилигига доир янги тартиб белгиланди. Жумладан, йирик инвесторларга тааллуқли тоифадаги низолар ва рақобатга оид ишлар, тарафлар хоҳишига кўра, **Олий суднинг инвестициявий низолари ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби томонидан кўрилади.** Яъни ушбу низолар биринчи инстанцияда тўғридан-тўғри Олий суд томонидан амалга оширилади.

Бошқа инвесторлар иштирокидаги инвестициявий низолар, уларнинг хоҳишини инобатга олган ҳолда, вилоят даражасидаги судлар томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилади. Хусусан, ўтган **5 йилда** иқтисодий судлар томонидан **тадбиркорлик субъектлари манфаатига 181 минг 605 та** иш ҳал этилиб, улар фойдасига **7,4 триллион сўм** ундирилган.

МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚИ ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАНАДИ

Президентимизнинг 2022 йил 24 августдаги “**Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкнинг муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги фармонида хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, мулкдорлар ҳуқуқи кафолатига оид муҳим чора-тадбирлар белгиланди.

Фармоннинг зарурати шуки, сўнгги йилларда хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг Конституцияда кафолатланган дахлсизлигини таъминлаш борасида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганига қарамай, айрим жой-

ларда ижроси амалда таъминланмай келинаётган эди.

Тахлилларга кўра, мулк ҳуқуқи дахлсизлигига путур етказадиган айрим ҳолатлар аниқланган. Булар ер участкаси ва бошқа қўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни белгилловчи маъмурий ҳужжатларнинг барқарор эмаслиги, мулкдор ўз мулкидан эркин фойдаланишини чеклайдиган айрим ҳолатлар мавжудлиги, давлат органи айби билан мулкдорга етказилган зарар расман тан олинса-да, уни ҳақиқатда ундириш механизмлари тақомилга етказилмаганида кўзга ташланган.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш борасида фармонда қатор муҳим вазифалар белгиланди.

Биринчидан, энди мулкнинг ҳуқуқини вужудга келтирган ҳужжатни бекор қилиш орқали ушбу ҳуқуқни тугатиш мумкин эмас. Агар ушбу ҳужжат ноқонуний қабул қилинган бўлса, фақат суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин бўлди.

Охириги **2,5 йилда ҳокимларнинг ер ажратиш билан боғлиқ 2541 та қарорни бекор қилинган, бу эса 2526 та ер участкасига (101 минг 358 гектар) бўлган ҳуқуқ суд қарорисиз бекор бўлишига олиб келган.**

Шу сабабли ер участкаларига ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, жумладан, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳужжатларини уларнинг ўзи ёки юқори турувчи орган ва мансабдор шахслар томонидан, хусусан, прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан **ер участкасига бўлган ҳуқуқни тугатиш тартиби 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб бекор қилинди.**

Иккинчидан, ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда, унга бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишини Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарори билан расмийлаштириш тартиби тугатилди. Бунда ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисида нотариал тасдиқланган ариза ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш учун асос ҳисобланади.

Охириги **2,5 йилда 20 минг 543 та ер участкаси (2,6 миллион гектар) ҳокимнинг “ердан ихтиёрий воз кечилгани ҳақидаги ариза”га асосан, қабул қилинган қарори билан захирага қайтарилган.** Афсуски, амалда бундай қарорни **ер эгасининг аризасини олмасдан ҳам** қабул қилиш мумкин.

“ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАДА ШАХСНИ ҚАМОҚҚА ОЛИШГА САНКЦИЯ БЕРИШ СИНГАРИ УНИНГ МУЛКИНИ ХАТЛАБ ҚўЙИШ ҲАМ СУДЛАР ВАКОЛАТИГА БЕРИЛГАН. ШУНГА АСОСАН, “ХАБЕАС КОРПУС” ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ, СУРИШТИРУВЧИ ВА ТЕРГОВЧИНИНГ МОЛ-МУЛКНИ ХАТЛАШ БИЛАН БОғЛИҚ ҚАРОРЛАРИНИ СУДДА КўРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ БЕЛГИЛАНДИ.

Шу боис, фармон билан мазкур ҳолатларни бартараф этиш белгиланди.

Учинчидан, фармонга асосан, юридик шахс тугатилганда унинг ноқишлоқ ер участкасига бўлган ҳуқуқи ҳам тугатилиши ҳақидаги қондан бекор қилиб, ушбу ер участкаси тугатилётган ташкилотнинг муассислари ва кредиторларига ўтиши белгиланди.

Амалда **Ер кодексининг 36-моддасига кўра, юридик шахс тугатилганда унинг ер участкасига бўлган ҳуқуқи ҳам бекор қилиниши керак. Ушбу асос билан охириги 2,5 йилда 227 та (8,1 минг гектар) қишлоқ ва ноқишлоқ ер участкаси захирага қайтарилган.**

Тўртинчидан, тадбиркорлар манфаатига мос яна бир муҳим масала ҳозир 20 дан ортиқ давлат органи судларда фуқароларга нисбатан мулкнинг даъволар киритишда давлат божига тўлашдан озод қилингандир.

Охириги **2,5 йилда давлат органлари ушбу имтиёздан фойдаланиб 1,4 триллион сўмлик 63 минг 909 та даъво аризаси киритган. Шундан 588 миллиард сўмлик (42 фоиз) 14 минг 736 та даъво талаби судлар томонидан рад этилган ёки қўрмасдан**

“ФУҚАРО ВА ТАДБИРКОРЛАРГА МУЛК ҲУҚУҚИНИ СўЗСИЗ ТАЪМИНЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ ШАФФОФ ВА АДОЛАТЛИ СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ. СУД СОҲАСИГА БАғИШЛАНГАН МАЖЛИСДА БУ БОРАДА ИСЛОХОТЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИДАГИ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНГАН ЭДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ АМАЛИЁТ ВА ТАЖРИБАНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАҚСАДИДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР КЕНГАШИ ҲУЗУРИДА ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИГАН ИНВЕСТИОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КўМИТАСINI ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ.

қолдирилган. Бу эса айрим давлат органлари ўз имтиёздан фойдаланиб, етарли асослар бўлмаса ҳам судларга даъво киритишидан далолат беради.

Шу боис, фармонда божсиз даъво киритиш ҳуқуқига эга органлар рўйхатини қисқартириш, давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкнинг ҳуқуқларини чеклаш, маҳрум қилиш ёки бошқа ҳар қандай қўриқчида таъсир қилишга қаратилган даъволари, ариза ва шикоятлари учун умумий асосларда давлат божига тўлаш лозимлиги белгиланди.

Бешинчидан, фармон асосида гумон қилинувчи, айбланувчининг мулкнинг ҳуқуқларига нисбатан “Хабеас корпус” институтини қўллаш қўлами янада кенгайтирилди. Бунда суриштирувчи ва терговчининг мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини қўриб чиқиш учун судга киритиш назарда тутилди.

Охириги **2,5 йилда гумон қилинувчи, айбланувчи ва фуқаровий жаъобгарларга тегишли 1,5 триллион сўмлик 5144 та мол-мулк судга ҳақ бўлган босқичда хатлаб қўйилган. Шундан 516 миллиард сўмлик 525 та мол-мулк ҳозирга қадар хатловда турибди.**

Хорижий тажрибада шахсни қамоққа олишга санкция бериш сингари унинг мулкни хатлаб қўйиш ҳам судлар ваколатига берилган. Шунга асосан, “Хабеас корпус” институтини янада кенгайтириш, суриштирувчи ва терговчининг мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини судда қўриб чиқиш тартибини жорий этиш белгиланди.

Мулк ҳуқуқи, мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимоясини қўлайитиришга қаратилган бу чора-тадбирлар аҳоли ва тадбир-

узойтириш, мулкнинг ҳуқуқлар фақат суд орқали бекор қилиниши, давлат божини тўлаш бўйича фуқароларга енгилликлар бериш, айрим тоифадаги аризалар бўйича давлат божига тўловидан озод қилиш, тадбиркорларнинг маъмурий судларга ариза беришида давлат божига ставкасини 2 баробар камайтириш чоралари қўрилмоқда. Булар бўйича тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаси тайёрланди.


Яна бир жиҳат. Судга шикоят қилиш мuddати қисқалиги аксарият ҳолатларда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш имконини бермаёпти. Аниқроқ айтганда, бу омил судга муружаат қилиш имкониятини бирмунча чекламоқда. Шунинг учун ушбу мuddатларни қайта қўриб чиқиш ва узойтириш бўйича кенг жамаотчилик томонидан билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар, шунингдек, суд амалиёти таҳлили натижалари бу борада тегишли чора-тадбирларни жорий этиш заруратини кун тартибига қўйди.

Иқтисодий процессуал кодексига кўра, апелляция шикоятини (протестини) бериш мuddати ўтказиб юборилиши сабаблари суд томонидан узрли деб топилган бўлса, тиканиши мумкин. Бироқ амалиётда тадбиркорлик субъектлари турли сабаблар билан апелляция шикоятини икки ойлик мuddат ичида беролмаётгани, бу эса биринчи инстанция суди қарори устидан юқори инстанция судларига шикоят қилиш мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини судда қўриб чиқиш тартибини жорий этиш белгиланди.

Мулк ҳуқуқи, мулкдорлар ҳуқуқлари ҳимоясини қўлайитиришга қаратилган бу чора-тадбирлар аҳоли ва тадбир-

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2022 йил 29 январдаги “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, судлар тизимида “**ягона дарча**” тамойилини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъи назар, қабул қилиш тартиби жорий қилинмоқда. Бунда фуқаролар ва тадбиркорларнинг овозгарчиликлиги олдини олиш, уларнинг вақт ва ресурсларини тежаш мақсадида судлар томонидан даъво аризаси, ариза ҳамда шикоятни судга тааллуқли бўлмаган сабабли қабул қилиш рад этиш ёки иш бўйича иш юритишни тугатиш тақиқланган. Иш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлишидан қатъи назар, уни ушбу судлар томонидан қабул қилиш ва судга тааллуқлилигига кўра, тегишли судга юборилишини таъминлаш кўзда тутилмоқда. **Бу ҳақдаги қонун Сенатда қўриб чиқилмоқда.**

Умуман олганда, юқорида қайд этилган мақсадларга эришиш иқтисодиётини ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш ҳамда давлат органлари билан муносабатларда хусусий мулк ҳуқуқларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш учун бевосита шароит яратишда муҳим омил бўлади. Пировардидан, мамлакатимизда янги иқтисодий дунёқараш пайдо бўлишига, яънича иқтисодий муносабатлар шаклланишига хизмат қилади. Шундагина биз кутган инвесторлар Ўзбекистонга катта умид ва ишонч билан қадам қўйди.



ДЕКАБРЬ ОЙИНИНГ ИККИНЧИ ЯКШАНБАСИ — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ МЕҲНАТ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари бугун ҳар қачонгидан юқори марраларни кўзламоқда

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиш 1-бетда

Аниқ мақсадларни кўзлаган стратегия

Мақсад аниқ бўлса, натижага эришиш ҳам осон ва самарали бўлади. Шу жиҳатдан, кейинги йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар туфайли эришилаётган ютуқлар диққатга сазовор.

— Бунда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси жуда катта аҳамият касб этмоқда, — дейди қишлоқ хўжалиги вазири Азиз Воитов. — Унда соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий қилиш, етиштирувчи, қайта ишловчи ва сотувчи муносабатларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, инвестицияларни фаол жалб қилиш, ресурстежамкор технологияларни, илм-фанни қўллаш, умуман, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ўн йил давомида ислоҳ қилиб бориш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинган.

Халқаро ташкилотлар ва экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган мазкур стратегия қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоғини истиқболда барқарор ривожлантириш, соҳада давлат сиёсатини янгилаш ёндашувлар асосида амалга оширишга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган 20,2 миллион гектар ернинг атиги 20,7 фоизи суғориладиган экин майдонлари ҳисобланади. Таҳлилларга кўра, келгуси 30 йилда улар яна 25 фоизгача қисқариши мумкин.

Шунингдек, мамлакатимиз сув ресурсларининг қарийб 80 фоизи трансчегаравий сув ҳавзалари ҳисобига шаклланади. Бу ҳол Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда сув ресурсларини барқарор бошқариш учун минтақавий ҳамкорлик муҳим эканини аниқлатади.

Стратегияда 2030 йилгача қатор ўзгаришларга эришиш мўлжалланган. Масалан, ер ажратиш ва уни олишда шаффоф тизим яратилиб, коррупция ва бошқа субъектив ҳолатларнинг олдини олиш, ердан фойдаланувчилар ҳуқуқларини кафолатлаш, ерни ноқонуний ажратиш, ундан хўжасизларча фойдаланиш ҳолатларини кескин камайтириш каби ишларга алоҳида урғу берилган. Ҳозирги кунгача буларнинг айримлари амалиётга татбиқ этилди ҳам. Масалан, ўтган йилнинг май ойидан эътиборан Ўзбекистон тарихида илк бор қишлоқ хўжалиги ерларини рўйхатдан ўтказишга қўйилди. Бу жараён нафақат қишлоқ хўжалиги, балки барча ер майдонлари ҳамда кўчмас мулк объектларини рўйхатдан ўтказиш ва махсус геопорталга жойлаштиришда қўл келмоқда.



Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага бериш тартиблари тизимли йўлга қўйилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар 1,1 миллион гектар қишлоқ хўжалиги ерларини ўзлаштириш, 535,6 минг гектар лалми, яйлов ва бошқа ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

Стратегиянинг яна бир эътиборга молик жиҳати — пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришда давлатнинг иштирокидан босқичма-босқич воз кечиш вазифаси фермеру деҳқонларнинг айна дилидаги гап бўлди.

— Жорий йил фермер ва деҳқонлар учун кенг имкониятлар йили бўлди, — дейди Зафаробод туманидаги “Носир Тоҳиев” фермер хўжалиги раҳбари Носир Тоҳиев. — Нега? Аввало, ғаллани давлат томонидан сотиб олиш ва сотишда бозор нархларига ўтилиши, давлат ресурслари учун сотиб олинадиган 1 тонна бўғдой нархи ўтган йилдаги 1 миллион 550 минг сўмдан 3 миллион сўмга, яъни 2 баробар, пахтанинг харид нархи ўтган 5-6 йилдагига нисбатан олти баробар оширилиши моддий имкониятларимизни кучайтирди. Сир эмас, олдинлари пахта ва ғалладан моддий манфаатдорлик деярли йўқ эди. Иш ҳақи берилмасди. Ноилжликдан қўллаб фермер хўжаликлари раислари минерал ўғит ва ёқилғини сотишга мажбур бўларди. Пахта ва ғалла ўрнига полив ва сабзавот экинлари экишга ҳаракат қиларди ёки ерни бошқа деҳқонларга сотарди. Натижада эса пахта ва ғалла шартнома режалари ҳам бажарилмасди. Албатта, моддий рағбат, манфаат бўлган жойда ишда унум ва барака бўлади. Фермер хўжаликлари сара уруғ, минерал ўғит ёки ёқилғи билан изчил таъминланаётгани, ишчи-хизматчилар маошлари ўз вақтида берилиши, соҳага илм-фан ютуқлари жорий этилиши, шубҳасиз, пахтачилик ва ғаллачиликда ҳосилдорликнинг яхшиланishiга хизмат қилмоқда. Хўжалигимиз мисолида айтсам, илгари пахтадан 25 центнердан юқори ҳосил олмаганмиз. Бугун эса ҳосилдорлик гектарига 40 центнерга етмоқда. Бу юқорида қайд этганимиз эътиборнинг самараси. Биз, фермерлар ҳаёти билан боғлиқ яна бир ижобий воқеа такрорий экинга рухсат берилиши бўлди. Олдинлари сув етишмаслиги ёки бошқа омиллар туфайли ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экмасдик. Давлатимиз раҳбарининг қўшни мамлакатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари натижасида сув муаммоси ҳам ҳал этилди. Натижада ҳозир фермерлар пахта ва ғалладан ташқари такрорий экинлардан ҳам салмоқли даромад кўрапти. Шартнома асосида иш экиб, чет элга экспорт қилапти. Жорий йил биз ҳам 15 гектар ерга такрорий экин экиб, яхшигина даромад олишга эришдик.

Шу ўринда фермерга ғалла бўйича имконият тақдим этган ҳужжат — Президентнинг 2022 йил 28 майдаги “Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига бир оз тўхталиб ўтсак. Қарор билан 2022 йил ҳосилидан суғориладиган майдонлар

нинг ҳар гектаридан ўртача 2,5 тоннадан, жами 2 550 минг тонна бўғдой етиштириш, шундан 1 783,5 минг тонна товар бўғдойни давлат ресурси сифатида ҳамда 266,5 минг тоннасини уруғлик учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблаглари ҳисобидан харид қилиш, 500 минг тоннасини фермер хўжаликлари ҳамда бошқа ғалла етиштирувчилар томонидан кейинчалик биржа савдоларида сотиш учун жамғарманинг тижорат вакилида вақтинчалик сақлашга қабул қилиш каби вазифалар белгилаб қўйилди.

Ғаллани сотиб олиш ва сотишда янги тизим шаффофлиги, тўлақонли ва адолатли ишлаши ҳамда бўғдой етиштирувчилар манфаатдорлигини таъминлаш, ички бозорда ун ва дон маҳсулотлари нархининг ўсиши ва тақчиллигининг олдини олиш бўйича республика штаби ташкил этилди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда аграр соҳани ислоҳ этиш, деҳқонни бой қилиш орқали давлатни бой қилиш бора-сидаги ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

Аграр соҳадаги бугунги ўзгариш ва янгилашлар, стратегияда келтирилганидек, ўн йил мобайнида қишлоқ хўжалигида ўртача меҳнат унумдорлигини 1,7 баробар ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшимча 3,4 миллион тонна қувват яратиш, экспорт ҳажмини 20 миллиард долларга етказиш мақсадларига мустақкам пойдевор яратяди.

“Ақлли” қишлоқ хўжалиги — давр талаби

ШХТнинг жорий йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган саммити нафақат ташкилий, балки амалий



Бу амалда фермер ва кластерлар учун ўз маҳсулотларини бозор нархида сотишга имкон берди. Мазкур тизим ун ва дон маҳсулотлари нархига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Сабаби, энди аввалгидек давлат харажатларининг бир қисмини ўз бўйича олиб, тадбиркорга бўғдойни арзон нархда бермайди. Ишлаб чиқарувчилар бўғдой ва ун маҳсулотларини биржа орқали эркин нархларда сотиб олиб, тайёр маҳсулот нархини ҳам харажатларидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгиламақда.

Фермеру деҳқонларимиз фаолиятига ижобий таъсир қилаётган бундай ҳуқуқий асослар талайгина. Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорлиқни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда деҳқон хўжаликларининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2022 йил 10 сентябрдаги “Деҳқон хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари билан фермер хўжаликлари ва кластерлар фойдаланишидаги пахта ва ғалладан қисқартирилган ҳамда аҳоли пунктларига яқин ва сув таъминоти яхши бўлган ерлардан жорий йилда 100 минг гектар, 2023 йилда эса 95 минг 169 гектар экин майдонини аҳолига “E-AUKSION” электрон савдо платформасида озиқ-электрон танлов орқали ижарага бериш белгиланди. Аҳолига ер бўлиб бериш ҳисобига бу йил қўшимча 1 миллион тоннадан зиёд озиқ-овқат маҳсулоти етиштирилди.

натижадорлик жиҳатидан ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлди. Саммит доирасида 44 ҳужжат — битим, концепция, дастурлар ва бошқа қарорлар қабул қилинди. Бу ташкилот тарихида рекорд кўрсаткичдир.

Ана шундай халқаро ҳужжатлар сирасига ШХТ мамлакатларининг “ақлли” қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлиги концепциясини ҳам киритиш мумкин. Зотан, “ақлли” қишлоқ хўжалиги — давр талаби. Бу омил дунёда юз бераётган турли ҳодисалар, геосиёсий ўзгаришлар даврида янада муҳим аҳамият касб этади.

Бугун Янги Ўзбекистондаги ислохотлар, юритилаётган сиёсат дунё давлатлари билан икки ва кўп томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқмоқда. Бу, ўз навбатида, барча соҳаларда хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ва самарадор алоқалар ривожланишига туртки бермоқда.

“Ақлли” қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасидаги ҳамкорлик концепцияси ҳам давлатимиз раҳбари ташаббуси ҳисобланади ва барча ҳамкор давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Мазкур концепция ШХТ маконида аграр соҳага инновацион технологияларни кенг жалб қилиш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича ўзаро тажриба алмашишда айна мудоаодир. Чунки сўнгги пайтларда коронавирис пандемияси ишлаб чиқаришдан



етказиб беришгача бўлган жараёнларда узилишларга олиб келди.

Бундан ташқари, турли экологик муаммолар, климат ўзгариши ҳамда ер юзиде қўллаш жараёнлари тезлашиши бутун дунё бўйлаб озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солмоқда. Шу жиҳатдан қа-

амалга оширилиши, қолаверса, жонкуяр инсонлар, ўз ишининг ҳақиқий усталари меҳнати туфайли мана шундай юқори натижаларга эришилди.

Жорий йилда 136 туманда 134 пахта-тўқимачилик кластери ва уларга бириктирилган 29 мингта фермер хўжалигида 1 миллион 32 минг гектар майдонда гўза парваришланиб, жами 3 миллион 510 минг тонна пахта хомашёси йиғиб-териб олинди. Унинг 90 фоиздан ортиғи юқори сорт ва классларга сотилди. Бу ҳам пахта етиштирувчи фермер хўжаликларининг иқтисодий ҳолати яхшиланishiга олиб келади. Шунингдек, юқори ҳосилдорлик қайта ишлаш қува-тига эга кластерларнинг хомашё манбаи қўлайлигига хизмат қилади.

Бу йилги пахта хомашёсини териб олиш масъумида теримчиларга ҳар беш кунда ҳақ тўлангани, умуман, 4 триллион 669 миллиард сўмдан ортиқ терим пуллари тарқатилгани диққатга сазовордир. Қишлоқ хўжалигида натижадорликда кластерлар ўрни алоҳида қайд этилапти. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Негаки, қишлоқ хўжалигида янги даврни бошлаб берган кластер усулидан кўзланган асосий мақсад, аввало, ер, хусусан, суғориладиган экин майдонларининг ҳар бир қаричидан самарали фойдаланиш, қолаверса, аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисини бой, ҳудудларни обод қилиш, қишлоққа sanoatни олиб кириш, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришдир.

Айни пайтда юртимизда пахта ва ғалланинг 100 фоизи, мева-сабзавот маҳсулотларининг 40 фоизидан ортиғи кластер тизими асосида етиштирилаётгани шундан далолат беради.

Бундай юқори натижаларни ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, шолчилик, дориворчилик, чорвачилик соҳаларида ташкил этилган кластерларда ҳам кўриш мумкин.

Буларнинг бари қишлоқ хўжалиги инновацион ишланма ва ғоялар майдони, инвесторлар учун қулай шароитли ҳудуд, рақамли технологияларни жорий этиш платформаси, қишлоқ аҳоли даромад кўрадиган, ер озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи муҳим манбага эга ўта муҳим соҳага айланиб бораётганидан дарак беради. Соҳадаги ўзгариш ва янгилашлар эса иқтисодиётимиз раёнақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бинобарин, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги улкан салоҳиятга эга. Бозорларимиз тўкин, халқимиз ризқи мўл-кўл бўлишдан тортиб, экспортдан қўшимча даромад топишгача бўлган жуда кўп масалалар айнан шу соҳа билан боғлиқ.

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ хўжалиги масаласини алоҳида эътиборга олиб, соҳадаги долзарб вазифаларни кўрсатиб, тез-тез муҳокама қилиши ҳам бежиз эмас. Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида қишлоқ хўжалиги бозор механизмларини жорий этиш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини 2 баробар ошириб, аграр тармоқда йиллик ўсишни каммида 5 фоизга етказиш мақсад қилинган. Бугунги натижалар ана шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар мевасидир.

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШ



Китоблар ҳаёт демакдир

Эсимни танибманки, бир уй тўла китоб — шу муҳит ичида ўлғайдим. Кутубхонамиздан деярли барча китобларни топса бўларди. Дадам кишлоқ мактабида она тили ва адабиёт фанидан дарс берар, ишдан қайтди, дегунча савол устига савол ёғдирардим. 5-синфда ўқиб юрган пайтларим дадамнинг Алишер Навоий газалларини шарҳлашидан ҳайратланардим. Ҳикоя ёки қиссаси, шеърми, жуда маромига етказиб тушунтириб берар, ўқиган асарларимиз ҳақида фикрларимизни эринмай тингларди.

Опам ҳам китобдан бош кўтармасди. Китобга муҳаббатни опамдан ўрганганман, десам хато бўлмайди. У билан ораимиздаги фарқ етти ёш, мендан кўра эртароқ китобларга меҳр қўйган, уйимиздаги китобларнинг деярли барчасини ўқиб тугатган. Кечалари менга ўзи ўқиган китоблари орасидан қизиқ-қизиқ ҳикоялар айтиб берарди. Дадамнинг ҳайратомуз шарҳлари, опамнинг бир-биридан қизиқарли ҳикоялари туфайли қалбимга ижод уруғлари қадалган бўлса керак, деб ўйлайман.

Болалигимда бир оз эрқароқ, қайсарроқ бўлганман. Уйинқароқлигим ҳам бор эди, кўп вақтим кўчада ўртоқларим билан ўтарди. Бироқ болалигим нўҳоя топмаган бир паллада дардга чалиниб, ҳатто мактабга қатнолмай қолдим. Бир йил тенгдошларимдан айро, “ёлғизлик” ичида яшадим. Онам ҳар тонг кўча супураётди, мактабга йўл олган тенгдошларим ортидан қараб қолар, менинг болам ҳам ўртоқлари билан мактабга борса қанийди, деб кўнгли ўқиб қўяркан. Бировга билдирмай йўлгаб олган кунлари кўп бўлган экан. Буни орадан йиллар ўтиб, мен дарддин енгганимдан сўнг айтиб берганди.

Уша кезлар мени мутоплаа овутди, китоблар чинакам дўстимга айланди. “Шарк юлдузи”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлик” каби журналлар билан вақт ўтказдим. Журналлар саҳифасида катта асарлардан, роман ва қиссалардан пар-

Мамлакатинг номидан дунёга бўйлаш — бахт. Турли соҳаларда Ўзбекистон номини жаҳонга ёяётган, чет элда яшаб, юрт ва эл қорига ўз меҳнати ва интилиши билан ҳисса қўшаётган ватандошларимиз билан суҳбатлашсак, гурур туямиз. Ёзувчи, журналист ва таржимон Рахшона Аҳмедова айна пайтда Жанубий Кореяда яшаб, ижод қилмоқда. Унинг “Орзу ва денгиз” номли ҳикоялар тўплами Ёзувчилар уюшмаси томонидан “Биринчи китобим” лойиҳасида чоп этилган эди. “Соябон остида” номли иккинчи тўплами ҳам ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.



Ватан соғинчи туфайли ижодга қайтдим

Мактабни битириб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети талабаси бўлдим. Журналистикага ҳам ижод билан боғлиқ жараён сифатида қарадим. Матбуотда бирин-кетин ижод намуналарим босилди. “Миллий тикланиш”, “Маърифат”, “Тошкент оқшоми” каби газеталар мен учун минбар бўлди. Бир муддат дўстлар даврасида шеърларимни иштиёқ билан ўқиб юрдим.

Университетда таҳсил олаётган пайтларим ҳозирги ёшлар каби менда ҳам чет элга чиқиб, таълим олиш иштиёқи баланд бўлган. Икки йил давомида дугоналарим



МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

“Маърифат” газетаси саҳифаларида эълон қилинди ва “Фаслнинг энг яхши таржимони” танловида “Энг яхши таржима” йўналишида ғолиб бўлди.

Илк китобим 10 минг нусхада чоп этилди

Ҳаёт узун бир йўл, ҳар бекат манзилга яқинлаштириши керак. Бироқ оила бека-ти мени ижоддан бир оз узоқлаштирган-дек эди. Бир муддат ўтиб, илм ортидан турмуш ўртоғим билан Японияга йўл олдим, кунчиқар мамлакатда ўтган йилларим яна ижод оламига қайтиш даври бўлди. Кичикроқ ҳикоялар ёза бошладим ва тушундимки, насрда имкониятларим кенгроқ экан.

Юртимиздаги ислохотлар бизнинг ҳаётимизда ҳам сезилади

Корейслар ҳам худди ўзбеклар каби адабиётга ошуфта халқ. Китоб ўқишни яхши кўради, ҳатто метро бекатлари де-ворларига шеърлар осиб қўйилган. Бу ерда адабий танловлар кўп бўлиб тура-ди. Чет элликлар ўртасида ўтказиладиган анъанавий ижод танловида шеърла-рим билан қатнашиб, икки йилдан буюн биринчи ўринни олиб келяпман. Бўш вақтларимда назм ва наср курсларига қатнаيمان. Утган йили “Академнашр” нашриёти томонидан “Соябон остида” номли иккинчи ҳикоялар тўплами чоп этилди. Эндиликда корейс тилида ёзган шеърларимни бир китоб ҳолида нашр этиш озуим бор.

Масофа ҳар қанча олис бўлмасин, ўзимни бир дам ватандан айро тасаввур этолмайман. Ҳар дам юрт соғинчи юра-гимда, онам қолган кишлоқ тушларимга кириб чиқади.

Касбим сабаб Ўзбекистонда бўлаёт-ган ўзгаришлардан доим хабардор бў-лишга интиламан. Айна пайтда сезила-ётган ислохотлар жараёнидаги ютуқлар бир ижодкор сифатида мени ҳам қувон-тиради. Ислохотлар бизнинг ҳаётимизда ҳам акс этишига бир мисол сифатида, юқорида айтганимдек, Ёзувчилар уюш-маси томонидан 10 минг нусхада илк китобимнинг чоп этилгани бўлди. Бу лой-иҳада китоби шунча нусхада, яна бепул босилишини ҳар бир ёш ижодкор орзу қилади.

Бугун ёш ижодкорларга эътибор қу-чайган. Имкон қадар уларнинг ижодини қузапти борамам. Муносабатимни бил-дираман. Янги Ўзбекистон ёшларида сўз айтиш имкони бор. Тенгдошларимизни қаранг, аста-секин асарлари дунё нашр-ларида чоп этиляпти, халқаро конферен-ция ва ижодий давраларда кўзга кўрин-япти. Юртимиз номидан сўз оляпти.

Бир сўз билан айтганда, мамлаката-миз ривожланиш йўлида сойбқадам-лик билан илгарилamoқда. Истаиманки, эртанимиз бугунимиздан кўра ҳам, янада ёқинроқ бўлсин, келажак авлод учун ҳавас қиларли гўзал бир Ватан қолди-райлик.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири
Баҳорат ЮНУСОВА ёзиб олди.

ИБРАТ

КИТОБ ОЛИБ ЮРАДИГАН ОДАМ



Иккинчи жаҳон уруши тугаганига ўн йиллардан ошган бўлса-да, хали-хамон унинг совуқ тафти кўтарилмаган палла. Асоратларидан қолган яралар битмаган, орғиқлари хамон юракларни зиркиратаётган дамлар. Одамлар бир бурда нон топиш илинжида кун давомида тер тўкишга мажбур. Қалбан мурғак бўлса-да, аллақачон ҳаётнинг аччиқ зарбасидан эрта ўлғайган болаларнингда тирикчилиги бошоғу тариқ териш билан ўтади. Хувиллаган кўчаларда бирор бекорчини учратиш амримаҳол. Онаизорлар ҳанузгача эшик олдида ғамгин, қаттол уруш ютиб юборган ўғлининг кириб келишидан умидвор.



Ушанда Шодиёр эндигина ўн ёшдан ошганди. Ўз ёшига нисбатан анча ўлғайган, меҳнатда тобланиш палласида. Бўш вақт тоғди дегунча, кишлоқ кутубхонасига югуради. Олган китобини қўлтиғига қистириб, вақт тоғди дегунча ўқишга киришади. Кечалари эса хира чироғ ёруғида китоб ўқишининг гашти бор. Айниқса, оёқни иссиққина сандалга тикиб, қаҳрамонлар билан саргузаштларни бош-дан кечиришининг завқи бўлақда.

Шодиёрнинг отаси ҳам зиёли инсон. Шу боис, фарзандининг ўқишга қизиқишини доим оқши-ларди. Қўлига китоб тушса, бирма-бир варақлаб чиқарди. Асар ҳақида ўғлига қисқа маълумот бериб, энг қизиқ жойларидан гапириб, асосий воқеа ривожига келганда тўхтатиб қўярди. Бу эса Шодиёрнинг завқини ошириб, тезда бу асарни ўқиб чиқишга интиларди. Гоҳида ўқиганларини отаси билан бирга таҳлил қилар, тушулмаган жой-ларига изох оларди. Кечалари узоқ суҳбатларнинг мавзуси кўпинча унинг саволларига жавоб топиш билан ўтарди.

Доимгидек кутубхонадан янги китоб олиб ке-либ, ўқишга шунгиб кетаркан, негадир ундаги воқеалар бу сафар бошқача таъсир қила бошла-ди. Китобда бир кўл атрофидаги воқеа-ҳодисалар тасвирланган бўлиб, унда табиатнинг ҳар бир киши англайвермайдиган жумбоқлари ҳақида сўз борарди. Усимликлар дунёси кенг очиб берилган, дараклар ва ҳайвонот олами матн орқали ўзгача тасвирланганки, уни ўқиган ҳар бир киши маҳлиё бўлиб қоларди. Ҳар қандай одамнинг она табиатга меҳрини ошириши табиий эди.

Бу китобни ўқиб тугатган ёш йигитча атрофда-ги оламга теран кўз билан қарайдиган бўлди. Қў-лига кичик заррабин олиб, ўсимликлар дунёсини, хашаротларни кузатишни одат қилди. Мактабда унчалик ҳам маъқул кўрмаган биология фанига қизиқиши шундан бошланди.

Чироқчи туманининг Оқтўнли қишлоғида туғи-либ вояга етган Шодиёр Хўжаназаров мактабни тамомлаган, 1961 йили Самарқанд давлат уни-верситетининг биология факультетига талабалик-ка қабул қилинди.

Қизиққан соҳаси бўйича ўқишни давом эттири-ши уни бу борада чуқурроқ илм олишга ундади. Устозлари ортидан эргашиб, фанга янада меҳр қўйди. Олийгоҳни тамомлаб, ҳарбий хизматга кетди. Ҳарбийда уч йил хизматни ўтаб қайтгач, яна билим олишга бел боғлади. Энди Россиянинг Ленинград шаҳридаги олийгоҳга ўқишга кириб, илмий изланишлар олиб борди. 12 йил давомида соҳанинг энг тажрибали мутахассислари қатори-дан жой олди. Биология фанлари номзоди бўлиб, ўзи дастлаб илм олган Самарқанддаги олий ўқув юртига келди. У ерда бир муддат ишлагач, ўша пайтдаги Қашқадарё вилояти пахтачилик илмий текшириш институтига ишга тақлиф қилишди.

Институтда катта илмий ходим сифатида иш бошлаган ёш биолог-олим вилоятда пахта саноа-ти ривожига катта ҳисса қўшди. 1973 йилга келиб, вилоят агросаноат комплексига етакчи кадрларга эҳтиёж сезила бошлади.

— Адамшасам, 1986-1987 йиллар, — дея ёдга олади Шодиёр Хўжаназаров. — Китоб туманида



мутаассадилари эътироз билдирди. Баъзилари юқоридан келган топишиқни ўзбошимчилик би-лан бажармаганингиз учун қамаласиз, дейишди. Буни ўзим ҳам яхши билардим. Ортимга қайтар-канман, бу узумзордан яна қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида бош қотириб келардим. Тах-лил қилиб, режа тузиб олдим. Икки кун ўтмасдан ўша пайтлардаги вилоят раҳбари қақиртириб қолди. Нера тоқзорлар бузиб ташланмаганининг сабабини сўради. У кишига ҳолатни тушутирдим. Унда нима тақлифнингиз бор, деб сўради. Мен узумзор яқинида кичик завод қуриб, узумдан сок ишлаб чиқариш мумкинлигини айтдим. У кишига ҳам маъқул келди. Тезда янги завод ишга тушди.

Ҳақиқий фидойи қишлоқ ҳўжалиги ходими си-фатида фаолият юритган Шодиёр Хўжаназаров ўша пайтларда жами саккиз марта ишдан бўша-тилиб, яна қайта тикланган. Буларнинг барчаси-га вазиятни ўрганмасдан, ҳеч бир хулосаларсиз чиқарилган нотўғри қарорларнинг икросиз қолди-рилиши сабаб бўлган.

1986-1987 йилларда Қашқадарё вилояти да-лаларида бугдой деярли экилмасди. Бу ҳақда ҳеч ким бош қотириб ҳам кўрмаган. Вилоят раҳбари-нинг кўрсатмасига асосан, Ш.Хўжаназаров вилоят аҳолиси жон бошига бир йиллик ун истеъмолни ҳисоблаб чиқиб, ғалла майдонини белгиллаган. Ўзи бош бўлиб 57 минг гектарга вилоятда бугдой экиш-ни бошлаб юборган. Дастлабки йилнинг ўзида мўл ҳосил олиниб, оямборлар ғаллага тўлган. Орадан бир оз муддат ўтиб, мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилиниши арафасида четдан кириб кела-ётган бугдой тўхтатилган. Аини шу вазиятда халқ ун ва нон маҳсулотлари билан таъминланиб, на-фақат воҳа аҳолиси, балки бошқа вилоятларга ҳам етказиб берилди.

Бугун саксон ёшни қаршилаётган Шодиёр Хўжаназаровнинг вилоят қишлоқ ҳўжалиги соҳа-сига қўшган ҳиссаси ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Шу касби орқасидан дунёнинг турли

мутаассадилари эътироз билдирди. Баъзилари юқоридан келган топишиқни ўзбошимчилик би-лан бажармаганингиз учун қамаласиз, дейишди. Буни ўзим ҳам яхши билардим. Ортимга қайтар-канман, бу узумзордан яна қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида бош қотириб келардим. Тах-лил қилиб, режа тузиб олдим. Икки кун ўтмасдан ўша пайтлардаги вилоят раҳбари қақиртириб қолди. Нера тоқзорлар бузиб ташланмаганининг сабабини сўради. У кишига ҳолатни тушутирдим. Унда нима тақлифнингиз бор, деб сўради. Мен узумзор яқинида кичик завод қуриб, узумдан сок ишлаб чиқариш мумкинлигини айтдим. У кишига ҳам маъқул келди. Тезда янги завод ишга тушди.

Ҳақиқий фидойи қишлоқ ҳўжалиги ходими си-фатида фаолият юритган Шодиёр Хўжаназаров ўша пайтларда жами саккиз марта ишдан бўша-тилиб, яна қайта тикланган. Буларнинг барчаси-га вазиятни ўрганмасдан, ҳеч бир хулосаларсиз чиқарилган нотўғри қарорларнинг икросиз қолди-рилиши сабаб бўлган.

1986-1987 йилларда Қашқадарё вилояти да-лаларида бугдой деярли экилмасди. Бу ҳақда ҳеч ким бош қотириб ҳам кўрмаган. Вилоят раҳбари-нинг кўрсатмасига асосан, Ш.Хўжаназаров вилоят аҳолиси жон бошига бир йиллик ун истеъмолни ҳисоблаб чиқиб, ғалла майдонини белгиллаган. Ўзи бош бўлиб 57 минг гектарга вилоятда бугдой экиш-ни бошлаб юборган. Дастлабки йилнинг ўзида мўл ҳосил олиниб, оямборлар ғаллага тўлган. Орадан бир оз муддат ўтиб, мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилиниши арафасида четдан кириб кела-ётган бугдой тўхтатилган. Аини шу вазиятда халқ ун ва нон маҳсулотлари билан таъминланиб, на-фақат воҳа аҳолиси, балки бошқа вилоятларга ҳам етказиб берилди.

Бугун саксон ёшни қаршилаётган Шодиёр Хўжаназаровнинг вилоят қишлоқ ҳўжалиги соҳа-сига қўшган ҳиссаси ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Шу касби орқасидан дунёнинг турли



Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари
доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Академик Наим Каримовнинг илмга, адабиётга қадами Ўзбекистон Миллий университетидан бошланган. Наим ака 1950 йили Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)га ўқишга кирган бўлса, тез орада устозларини бошқа талабаларнинг эътирофига тушган. Профессор Умарали Норматовнинг ёзишча, ҳали 3-курс талабаси эканида эътиборли бир журналнинг масъул котиби бўлган. Ёзувчилар уюшмасининг тўполон мажлисларидан бирида адиба Саида Зуннуновани тошбўрон қилиш бошланганида, Саида опанинг инсонийлик руҳи билан сугорилган майин шеърларидан сиёсий хато излаш нотиғри эканини дадил айтиб, Умарали Норматов, Эркин Вохидов, Иброҳим Ғафуров каби миллат фидойиларининг эътиборига тушган. Воқеани Умарали ака бундай эслайди: “Раис уни журнализмнинг масъул котиби учинчи курс талабаси Наим Каримов деб таништирди ва унга сўз берди. У қисқа ва лўнда қилиб бундай деди: “Саида Зуннунова шеърларини мен синчиклаб қўздан кечириб, журналга киритганман, ўқиб кўринг, биродарлар, улардан ҳеч қанақа сиёсий хато тополмайсиз...” Дил розларини изҳор этишга ўша кезлари ҳукмрон бўлган “қўрқув салтанати” йўл бермасди”.

Талабалик йиллари профессор О.Шарафиддиновдан олган сабоқлари беиз кетмагани учун бўлса керак, илмий тадқиқотларига “объект”ни XX аср ўзбек адабиёти деб белгиллаган ва адабиётимизнинг мана шу жабҳасига садоқат билан хизмат қилди. Бошқа бир ўринда Наим аканинг отаси ўзи физика ўқитувчиси бўлишига қарамай, ўқувчи




Озод Шарафиддиновни адабиёт сари йўллаганини мамнуният билан тилга олади. Кейинроқ университет талабаси ҳақидаги хотираларида “Хар ҳолда нима бўлганда ҳам Наимжон университетда ўқиб юрган кезларидаёқ жуда синчков, илмга ташна, қизиққан нарсасининг тагига етмагунча қўймайдиган бир талаба сифатида танилди”, деб ёзган эди.

Университетни тамомлаши биланок бу истеъдодли ва заҳматкаш талабани

ёхуд академик Наим Каримовнинг адабий ҳақиқатлари

уларнинг шоирона бадий ифодаси билан китобхонлар эътирофига сабаб бўлди, шу асар наشري учун “Мумтоз сўз” нашриёти Матбуот ва ахборот агентлигининг “Йилнинг энг яхши китоби — 2013” дипломига сазовор бўлди.

Наим Каримов яқин давлрлар адабий тарихи тадқиқотчиси сифатида танилган бўлса-да, олис тарих қатида ётган адабий ҳақиқатларни юзага чиқариш мақсадида амалга оширган ихчам тадқиқотлари алоҳида эътиборли. Нафақат тарихий силсила, хронология, балки улуг ўтмишдошларимиз қисматига адабий-илмий муносабат нуқтаи назаридан ҳам айнаи ҳолат муҳимдир. Улуг аллома Берунийнинг бадиият оламига муносабати, бизга номаълум адабий манбаларни маълум қилишдаги далолати Наим Каримовга қадар ҳам олимларимизни қизиқтириб келган. Академик А.Қаюмовнинг “Беруний ва адабиёт” асарида масаланинг умумий жиҳатларига эътибор қаратган, йирик асарларини номма-ном келтириб, уларнинг адабиёт билан боғлиқ жиҳатларини аниқлаган, улуг алломанинг араб, ҳинд ва юнон адабиётига муносабатини тадқиқ қилган. Олим Н.Каримов мақола-сида бевосита Беруний ва бадий ижод соҳаси хусусида сўз юритилган, шундай қомусий даҳонинг бадий ижоди намуналари ҳам бўлиши мумкин, деган ният билан Беруний меросини ўрганган. Берунийни юнон адабиётининг билимдон сифатида танитиш орқали Наим Каримов “буоқ ватаңдошимизнинг илмий меросини қиёсий метод асосида ўрганиш, унинг Арасту, Афлотун, Хомер сингари буюклар билан бир сафда



туришини асослаш”ни ўзининг вазифаси деб билган. Ушбу мақола, бир жиҳатдан, Наим Каримовнинг юнон ва бошқа қадимги адабиётларни яхши билишини аниқлоса, иккинчи жиҳатдан, улуг аллома меросига юксак маданият ва илмий ворислик нуқтаи назаридан ёндашганининг амалий исботидир.

Ҳазрат Алишер Навоий ижодининг жаҳон, айнисқа, туркий адабиётларга таъсири масаласига XX аср адабиётшунослигининг муҳим қирраси сифатида қаралмоқда. Шу жиҳатдан Алишер Навоий ижодининг Фузулий, Нисорий ҳамда Махтумқули асарларига кўрсатган самарали таъсири асосида йирик тадқиқотлар яратилган. Олмон олимаси З.Клейенмихел эса эътиборни Алишер Навоий ва Аҳмад Пошо (усмонли турк шоири) мавзусига қаратиб, ҳазрат Навоий ижодининг оламшумул таъсири доираси янада кенгайганини кўрсатувчи кузатишлар эълон қилган. Албатта, бу қувончли маълумот ҳар бир ўзбек зиёлисида Ҳазрат Навоий даҳоси сари рағбат уйғотади. Наим Каримов эса мутахассис олим сифатида айнаи адабий таъсир ва ҳамкорлиқнинг таянч нуқталарини аниқлаб, унга махсус мақола



НАИМ КАРИМОВ УМРИНИНГ ИЛМИЙ ВА ИЖОДИЙ ИШЛАР БИЛАН ФАОЛ МАШҒУЛ БЎЛГАН 70 ЙИЛИГА НИСБАТ БЕРСАК, ҲАР БИР КИТОБУ МАҚОЛА ҲАФТАСИГА ЭЪЛОН ҚИЛИНИБ ТУРГАННИНГ ГУВОҲИ БЎЛАМИЗ. БУНДАЙ КАТТА ҚЎЛАМ ВА ТИНИМСИЗ ЗАҲМАТ ОСТИДАГИ 80 ДАН ОРТИҚ КИТОБ ВА ИККИ МИНГДАН ЗИЁД МАҚОЛАНING ИЛМИЙ ЮКИНИ ТАСАВВУР ҚИЛИШНИНГ ЎЗИ МУРАККАБ ИШ.

бағишлайди. Табиийки, Наим Каримов мақоласидан кейин Алишер Навоий ва усмонли адабиёти, хусусан, Аҳмад Пошо ижодига ўзбек олимларининг ҳам қизиқиши ортди ва бу илмий маълумотнинг амалий натижаси ўлароқ Аҳмад Пошо девони ўзбек тилида чоп этилди ҳамда Алишер Навоий ижодини ушбу шоир мероси билан қиёслаган тадқиқот иши яратилди.

Наим Каримовнинг адабиёт ва тарихий жараён масалаларига бағишланган мақолалари орасида Тошкентда яшаб иход қилган ёки Шоший (Чочий) тахаллуси билан адабий асарлар яратган ижодкорлар алоҳида ўрин тутайди. Ҳар бир шаҳар зиёлиси буюқ ўтмишдошлари билан баҳам кўришга ҳаракат қилади. Шу жиҳатдан “Бобокалон шоирлар” мақоласида Абу Муҳаммад Матроний, Абу Омир ибн Аҳмад Шоший, Бадрий Чочий ҳақида маълумот берилса, “Шошийлар авлоди” мақоласида илм ахлига деярли номаълум Ахмал Тошкандий, Дипафкор, Ифпат, Шоик каби шоирлар ҳақида манбаларда қайд қилинганларни жамлаб, китобхонларга етказайди.

“Еркент асири” (Фурқат) ҳақидаги мақоласида фурқатшунослар эътиборига шоирнинг “Кажкул” тўпламини эсла-тиш барибарида туркшунос олим Э.Тенишевнинг 1995 йилдаги қўндаликларидан асосида ўзбек фурқатшунослигини янги илмий хабарлар билан тўлдирди. “Чаробонлар” туркуми туркий дунёнинг И.Гаспринский, С.Азизий, М.Бехбудий, А.Шакурий, М.Абдурашидов, Хусайн Жовид, Бакир Чўпонзода каби буюкларни ижодига бағишланган. И.Гаспринский ҳақидаги мақола-тадқиқот фақат улуг муаллимнинг ҳаёти ва фаолиятини ўзбек китобхонларига таништириш билан чекланмайди, балки у ва Туркистон мавзусининг илдизларига бориб тақалади, қрим-татар муҳаррири нега Туркистонда машҳур бўлиб кетди, унинг уч бора ташрифининг сабаблари нимада эди, деган саволларга жавоб беради. Туркистон билан Гаспринскийни бириштирган умумий мақсад эрк истаги эканини, шунинг учун ҳам ўлкада эрк туйғуларини уйғотган устоздан эркинликка чиқиш амалларини қутиб, “Таржимон”га илҳак бўлганларини аниқлаб беради. Мана муҳим хулоса: “Унинг (И.Гаспринскийнинг) назарида, славян-турк диалогининг мунтазам асосда йўлга қўйилиши ҳар иккала халқни ўзаро яқинлаштириш ва улар маданиятининг юксалишига хизмат қилиши мўқаррар эди”. Бу ҳолни табиий зарурат деб билган Н.Каримов “Аммо “Таржимон”нинг Туркистон учун аҳамияти, биринчи навбатда, маҳаллий ёшларда миллий уйғониш руҳини тарбиялагани, уларни маърифат ва маданиятнинг янги марраларига етаклаганидир”, дея юқоридagi саволга жавоб беради. Бу билан кифояланмай, қрим-татар олимни ўзбек зиёлилари билан боғлаб турган робиталарни фақат гоёдан эмас, балки қариндошлик муносабатларидан ҳам ахтарайди. Чунки Н.Каримов ҳужжат билан ишлашни ёқтиради, унинг хулосалари ҳам эхтирослар таъсири эмас, балки мана шу ҳужжатли асоснинг натижаси ўлароқ кўринади: “Бироқ И.Гаспринскийнинг Хадича исмли бошқа бир қизи 20-йилларда фалақнинг гардиши билан Тошкентга келиб, ўзининг ташқи, таъйиқлардан холи бўлмаган ҳаётини шу ерда кечирган ва шу ерда палак ёзган (Ҳозир Тошкентда унинг фарзанд ва неваралари истиқомат қилади)”.

Айниқса, Бехбудий ва Мунаввар қори, Шакурий ва С.Мажидов ҳақидаги мақолалар нафақат ҳужжатлилиги, балки тараққиқпарвар олимларимиз иход ва фаолиятини халқимизга танитиб улгурган бу буюқ алломалар ҳақидаги қарашларимизни ҳам тўлдирди олиши билан аҳамиятлидир.

Юлдуз тунни ёритиш билан бирга ёруғликка ошфута қалбларни ҳам чароғон қилади. Шунинг учун унинг таратган зиёси бир-икки шахсни ёки бир неча қавм, боринги, бир миллат доирасидаги шахслар, балки тунда йўл топишга чоғланиб турганлар йўлини чароғон айлайди. Шу маънода, озар адиби Хусайн Жовид ва татар олими Бакир Чўпонзода ҳақида сўз юритиларкан, биз уларни худди ўз адабимиздай суямиз, улар яратган ойдинликлардан барча туркийлар каби баҳраманд бўламиз. Академик З.Бунёдов Озарбайжонда қатағон қилинганлар хусусида ёзаркан: “Миллий кадрларни тамомила маҳв этмак, илк навбатда, дунёга машҳур, ўзлигини англаган, дунёни мулоҳаза этган, янги фикрли олимлар, мутафаккир ва интеллектларни орадан кўтармак 30-йилларда ўлкани идора қилган раҳбар “клан” қора қўллари билан чанг солар эди”, деган умумлашма билан профессор Б.Чўпонзонанинг қора

УНИВЕРСИТЕТНИ ТАМОМЛАШИ БИЛАНОҚ БУ ИСТЕЪДОДЛИ ВА ЗАҲМАТКАШ ТАЛАБАНИ УНИВЕРСИТЕТ АСПИРАНТ СИФАТИДА ЎЗ БАҒРИГА ОЛДИ. АСПИРАНТУРАНИ ТУГАТИШИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИГА КАБУЛ ҚИЛИНДИ, ШУ ВАҚТГА ҚАДАР ЎТГАН 64 ЙИЛ ДАВОМИДА НАИМ КАРИМОВ ИНСТИТУТНИНГ КИЧИК ИЛМИЙ ХОДИМЛИГИДАН АКАДЕМИККАЧА БЎЛГАН ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТДИ.

қунларига доир ҳужжатлар келтиради. Чунки фикр нафақат биргина олимга, балки миллатнинг гули бўлган барча шахид зиёлиларига тегишлидир.

2017 йил 12 декабрда таниқли адабиётшунос олим ва жамоат арбоби Наим Каримов туғилган кунга 85 йил тўлди. Бундан аввалроқ 2002 йилда “Турон” ахборот-кутубхона маркази мутахассислари Наим Каримов асарлари библиографиясини тузиб наشر этган эди. 2017 йили эса “Ўзбек адабиётшунослари” руқни остида Наим Каримовнинг библиографияси эълон қилинди. Библиографик кўрсаткичнинг бу тўлдирилган, тузилган 2-наширида олим ҳаёти ва илмий фаолиятининг асосий саналари, илмий асарларининг алоҳида нашрлари, вақтли матбуот ва тўпламларда босилган мақола, тақриз, таржима ва шеърлари, сўзбоши ёзган ва муҳаррирлик қилган асарларининг ўзи 2000 га яқин номда берилган. Агар булар қаторига сўнгги беш йил ичида эълон қилинган асарлари, олимнинг илмий раҳбарлигида бажарилган ишлар, диссертацияларга ёзилган тақризлар, радио ва телевидениедаги чиқишларини қўшсак, ҳеч қайси ўзбек олимиде кузатилмаган тарздаги илмий ва ижодий ишлар “хирмон”ини кўраимиз. Агар шу рақамнинг Наим Каримов умрининг илмий ва ижодий ишлар билан фаол машғул бўлган 70 йилгига нисбат берсак, ҳар бир китобу мақола ҳафтасига эълон қилиниб турганининг гувоҳи бўламиз. Бундай катта қўлам ва тинимсиз заҳмат остидаги 80 дан ортиқ китоб ва икки мингдан зиёд мақоланинг илмий юқини тасаввур этиш мўраққаб иш.

Наим Каримовнинг юксак инсонийлиги ҳақида кўп гапиришади, буни нафақат шогирдларидан, балки Наим акага устозлик макомида бўлган улуг олимлардан ҳам эшитганмиз. Бироқ бу инсонийлик соф виждон, адабий инсоф билан йўрилганини, кези келганда, Наим Каримов қатъият билан адолатни ҳимоя қилгани, ҳар ким билан ҳам тил топишиб кетавермаганини таъкидлаш келайди. Бунга кўпгина мисоллар келтириш мумкин. Биргина Чўпон ҳақида сўз кетганда, Наим ака бу азиз номини умрбод эъозлаб келиши барибарида 50-йилларнинг 2-ярмидаги эрувчанлик шароитидан бошлаб унинг асарларини эълон қилиш учун курашган. Кўп мартаба Андижонга бориб, Чўпоннинг яқинлари билан суҳбатлашган, қолаверса, китобда ўқиган ёки манбада кўрган ҳар бир фактини Чўпоннинг синглиси Фойкага аядан сўраб, аниқлаштириб борганини, кичик мақолалар асосида тадқиқот, сўнгра маърифий роман битилишининг гувоҳи бўлганман. Мана шу ижодий жараённинг ўзи нафақат олим тадқиқотчилар, балки айрим адибларимизга ҳам намуна бўлиши лозим. Чунки кейинги йилларда керакли ҳужжат ва фактларни яхши ўрганмай туриб, ушбу мавзунини “тулпатаётган” ёки ўзини ҳадидчи билиб, Наим ака бундан 30-35 йил аввал эълон қилган фактларни “кашф этаётган”лар ҳам учраб туради. Ҳар ҳолда, академик Наим Каримовнинг ҳар бир асари, ҳаётидаги ҳар бир қадами олимнинг шогирду ўқувчиларига доимий сабоқ манбаи бўлиб хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташиқлот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашир индекси** — 236. **Буюртма** Г-1264. 80849 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** услубида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Турон қўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов Мусаҳҳиҳ: Малохат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар қўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 23:00 Топиришди — 23:35